

Филология фанлари

УДК 17.51

Хабибуллаева Роза Мухаммадаюбовна

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Бухоро давлат университети

Хабибуллаева Роза Мухаммадаюбовна

преподаватель кафедры английского языка и литературы

Бухарский государственный университет

Khabibullaeva R.M.

Teacher at the department of English language and literature

Bukhara State University

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ

МУАММОЛАРИ

АНАЛИЗ АКТУАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ КАТЕГОРИИ ЗАЛОГА В

АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

ACTUAL PROBLEMS OF THE CATEGORY OF VOICE IN

ENGLISH GRAMMAR

Аннотация: Инглиз тилидаги нисбат категориясининг долзарб муаммолари таҳлили.

Калит сўзлар: Грамматик шакл ва маъно тушунчалари, нисбат категорияси маъноларининг функционал аспекти.

Аннотация: Анализ актуальных проблем категории залога в английском языке.

Ключевые слова: Грамматическая форма и концепция понятия, категория залога, функциональные аспекты значения категории залога.

Summary: Actual problems of the category of voice in English grammar.

Key words: Grammatical form and grammatical meaning of the category of voice, functional aspects of meaning of the category of voice.

Шакл ва мазмун проблемаси умуман олганда жуда кенг масала бўлиб, у тилнинг бутун ички структураси ва функциясини ўзига қамраб олади. Чунки бунда, бир томондан, тилда ниманинг шакл, ниманинг мазмун бўлиши, иккинчидан эса, нутқ билан тил орасидаги шакл ва мазмунлик муносибати ҳақида сўз юритилади.

Тилшунослик тарихида шакл термини жуда ранг-баранг маънода ва турли иборалар таркибида қўлланилганлиги маълум. Масалан, А.Ф.Потт, А.А.Шахматовлар, Ф.Ф.Фортунатов ва унинг издошлари сўзнинг ўзагида формал ва лекси кмаъноли қисмларга бўлиниш қобилятини, Н.Я.Марр Жанубий Кавказ тилларида сўз таркибида унли товушларни, В.Фон Гумбольдт, К.С.Аксаков, В.А.Богордицкий, А.И.Томсон ва бошқа кўп тилшунослар сўзнинг нутқда қулланиш қиёфасини ёки сўз ўзгартириш парадигмасидаги ҳар бир бутунликни шакл деб ҳисоблайдилар. (Кейинги маънода у "сўзнинг грамматик шакли" иборасида қўлланади) булардан ташқари сўзнинг "ташқи шакли" (фонетик томони) ҳақида гапирилади. Баъзан шакл термини маъно ёки маънога алоқадор бўлган ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланиб, у семантик ҳодисаларнинг номларига маънодош ҳам бўлиб қолади. Масалан, шакл ички термини худди мана шундай "шакл доирасидан чиқиб" кетадиган семантик ҳодисага нисбатан қўлланиб келади. Шунинг учун ("ички шакл")- "логик шакл" В.Вундт, М.В.Беляев, "вакил", "этимон", "ишора"-А.А.Потедия. "генетик маъно"-В.А.Богородицкий, "ички белги (яъни оброз)"-Л.А.Булаховский, "идеологик семантика"-В.И.Абаев каби сўз ёки иборалар билан номлангани маълум. Лекин грамматик шакл энг актив ва муҳим термин сифатида ҳаммасидан кўп қулланилади.

Фалсафий нуқтай назардан қараганда, шакл предметнинг мавжуд бўлиши усули, мазмуннинг элементларини бир бутунликка боғлайдиган нарсадир. Шакл предметнинг борлигини, нима эканлигини кўрсатиб туради.

Мазмун предметнинг хусусият ва белгиларида намоён бўладиган моҳият. У предметнинг қандайлигини ифодалайди. Шунинг учун мазмун предмет ва ҳодисаларнинг ички жараёнлари йиғиндисидан иборатдир.

Мазмун шаклсиз булмайди. Умуман табият ва жамиятдаги ҳар қандай предмет ёки ҳодиса ўз шакли ва мазмунига эга. Бинобарин, тил ва нутқ ҳам бу умумий қоидадан четда қолмайди.

Мавжуд борлиқнинг ревожланиши, тараққийси ҳам худди мана шу шакл ва мазмун муносибатида акс этади. Бу фикр тилда, айниқса нутқда ниҳоятда аниқ кўринади. Масалан, бир грамматик шаклдан бошқа грамматик шакл ясалишда олдингисининг фалон грамматик шакл эканлиги инкор қилинади, у негиз бўлиб қолади ёки янги шаклнинг элементларидан бирига айланади.

Шакл ва мазмун муносибати, умуман шу праблеманинг тил ва нутқдаги кўриниши мураккаблиги, бири иккинчисига ўтиши жиҳатидан кишини ҳайратда қолдиради. Тил ва нутқни таҳлил қилишда айтилган бир мазмуннинг бир неча хил шаклда намоён бўлиши ва аксинча бир хил шаклнинг бир неча хил мазмунни ифодалашда хизмат қилиши мумкилиги алоҳида аҳамиятга эга.

Нисбат категорияси инглиз тили грамматик структурасида алоҳида ўрин эгаллайди. Нисбат шакллари феълларнинг шахсли ва шахсиз шакллари учун хосдир. Феълнинг барча грамматик категориал маънолари нисбатини бирор маъноси билан боғлангандир.

Феъл системасида нисбат категорияси бошқа категорияларга нисбатан анча мустақил, аммо у жуда ҳам кам ўрганилган. Шунинг учун феъл грамматик категорияларини ўрганишни тўғридан-тўғри нисбат категориясини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Нисбатни ўрганишдаги бу принцип кўпгина назарий ва амалий грамматикаларда қабул қилинган. Ф.Р.Пальмер бу ҳақида қуйидагиларни ёзади. "Voice is considered first, because it is so different from the other categories that it can be handled entirely separately from them"¹

Инглиз тилида нисбат праблемаси қуйидаги умумий ва хусусий масалаларни ўз ичига олади.

¹ F.P.Palmer Structure of Modern English. N-Y-B, 1986, p. 24.

1. Нисбатни аниқлаш муаммосини;
2. Нисбатнинг баъзи турларини ўрганишни;
3. Бирор нисбат маъноси билан боғлиқ бўлган синтактик конструкцияларнинг аналитиклашуви ёки морфологиялашуви, каби жараёнларни ўрганишни;
4. Get, become + сифатдош II конструкцияларнинг хусусияти масаласини;
5. Мажхул нисбат шакиллариининг қўшма от-кесимдан фарқлашдаги қийинчиликлар ёки ҳолат ва жврвёни ифодалайдиган конструкциялар омонимясини;
6. Аниқ нисбатнинг мажхул нисбвтга айланиши муаммосини;

Лингвестик адабиётларда шу пайтгача нисбатнинг ягона таърифи йўқ. Бунга сабаб биринчидан мантикий ва лингвестик категорияларини бирдай деб қараш натижасида грамматик эга ва лексик субъект бир хил деб тушинилган; иккинчидан иш ҳаракат ёки жараёни йўналтирилганлиги турлича тушинтирилган.

Логиканинг асосий қонунларига таяниб нисбат категорияси мазмунини тушинишда бир мунча қийинчилик тўғилади, яъни грамматик субъект ва грамматик объект ўртасида фарқ бўлишига қарамай, улар айнан бир деб қаралади.

Нисбат категориясини таърифлашда логик ва грамматик хусусиятларни чалкаштиришдаги умумий камчиликларни кўрсатиб, В.З.Панфилов нисбат категориясини қўйидагича таърифлайди: “Нисбат категорияси эга (грамматик субъект) ва тўлдуирувчи (грамматик объект) нинг феълдан англашилган ҳаида унинг маълум шаклига йўналтирилган иш-ҳаракатнинг субъекти ва объекти муносибатини тавсифлайди”.²

Инглиз тилида бу янада мураккаблашган проблемадир. Дастлаб айрим тилшуносларнинг нисбат маъноси структурасига оид баъзи таърифларни келтирамиз. Г.Суит нисбатни қўйидагича таърифлайди: “By voice we mean

² F.P.Palmer Structure of Modern English. N-Y-B, 1986, p. 65-66.

different grammatical ways of expressing the relation between a transitive verb and its subject and object”³

Бархурдоров Л.С., Штеллин Д.А.: “Феълнинг нисбат категорияси иш ҳаракатнинг бажарувчисига нисбатан турлича ўйналишини ифодалайди” деб таърифлайди.⁴

Адабиётлар руйхати

1. F.P.Palmer Structure of Modern English. N-Y-B, 1986.
2. H.Sweet A new English Grammar. Part I.
3. Л.С.Бархурдоров, Д.А.Штеллинг Грамматика английского языка. М., 1996.
4. Богородицкий В.А.Исследования по русской грамматике. М., 1939.
5. F.P.Palmer A linguistic study of the English verb. London, 1965.
6. Абиёв В.И.Осново Структуро слова в гремских языках. М. Наука, 1965.
7. Потедия А.А. Мысль и язык. Харьков, 1983.

Интернет сайтлар

1. <http://www.ecsocman.edu>
2. <http://www.comptek.ru>
3. <http://www.englspace.com>
4. <http://www.ysu.ru>
5. <http://www.naukaspb.ru>

³ H.Sweet A new English Grammar. Part I, p.112, 113, 138.

⁴ Л.С.Бархурдоров, Д.А.Штеллинг Грамматика английского языка. М., 1996, стр.145.